68

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

# QAROR

2006 йил «24» январ №-154-К

**Фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисида.**

Узбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлок хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги карорининг хамда Самарканд вилоят хокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман хокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли карорларига асосан кишлок хужалик махсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил килиш ва уларнинг фаолияти учун кулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлокда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш максадида, Хайитмуродов Суюннинг «Омад» фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризасини хамда М.Улугбек номли ширкат хужалиги кайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2005 йил 29-декабрдаги танлов якунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий хулосасини инобатга олиб

**К А Р О Р  К И Л А М А Н:**

1.М.Улугбек номли ширкат хужалигини тугатиш ва кайта ташкил этиш комиссиясининг 2005 йил 29-декабрдаги туман хокимлиги биносида утказилган тендер якунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Хайитмуродов Суюннинг «Омад» фермер хужалигига пахта-галлачилик йуналишида, «Уздаверлойиха» олийгохи Самарканд филиали мутахассисларининг кайта йуклама килиш кайдномасига асосан умумий майдони 2,8 гектар, шундан: сугорилиб хайдаладиган ери 2,6 гектар, ариклар 0,2 гектар кушимча ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.

2.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини тайёрлаш;

-туман Давлат солик инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солик ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик хисоботларини кабул килиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг копланмай колган дебитор ва кредитор карзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда таксимланиб, ундирилишини таъминлаш М.Улугбек номли ширкат хужалиги кайта ташкил этиш комиссия раиси Рахматов зиммасига юклатилсин.

4.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман ширкат хужаликларини кайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юклатилсин.

5.Мазкур карорнинг тасдиги Вилоят хокимидан суралсин.

**Туман хокими :-** S. Negmatov **Ш.Негматов**